

М.Атаниязова, мустақил изланувчи, ТДИУ

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИ ХУСУСИДАГИ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ҚАРАШЛАР ВА УЛАРГА МУАЛЛИФЛИК МУНОСАБАТЛАРИ

Ушбу мақолада инновация, хусусан банк инновацияси тушунчаси бўйича иқтисодчи олимларнинг назарий қарашлари тадқиқ этилган ва уларга нисбатан муаллифнинг муносабати билдирилиб, муаллифлик таърифи келтирилган.

В статье обсуждается взгляды ученых экономистов на понятие банковской инновации и дается авторское определение на нее.

Article discusses views of economists on banking innovations their attitude, as well as their way of defining banking innovation.

Калитли сўзлар: банк, инновация, банк инновацияси, банк хизмати, банк маҳсулоту, ишлаб чиқариш, банклараро рақобат.

Инновация тушунчасини иқтисодий категория сифатида иқтисодий фанга биринчи бўлиб таниқли австриялик иқтисодчи олим Й. Шумпетер киритган. Унинг фикрига кўра, инновация тадбиркорлик руҳи билан йўғрилган ишлаб чиқариш омилларининг янги илмий-ташкилий уйғунлигидир[1].

Й. Шумпетер ишлаб чиқариш омилларидаги инновацион ўзгаришларнинг куйидаги беш турини ажратиб кўрсатди:

- янги техника ва технологик жараёнлардан фойдаланиш;
- янги хусусиятларга эга бўлган маҳсулотларни жорий этиш;
- янги хомашёдан фойдаланиш;

– ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва унинг моддий-техника таъминотидаги ўзгаришлар;

- маҳсулотлар сотиладиган янги бозорларнинг пайдо бўлиши[2].

Й. Шумпетернинг назариясида асосий таҳлил объекти тадбиркор бўлганлиги сабабли инновацион жараёнлар ишлаб чиқариш соҳасидаги тадбиркорлик фаолияти билан боғланади ва бунда бош мақсад олинаётган фойда миқдорини имкон қадар кўпайтириш ҳисобланади. Ўз навбатида, фойда миқдорининг кўпайиши тадбиркорга янги иновацион ғояларни ишлаб чиқаришга узлуксиз жорий қилиш имконини беради.

Ф. Найт ишлаб чиқариш соҳасидаги инновациялар ғоясини ривожлантирди. Унинг фикрига кўра, экзоген омиллар билан боғлиқ бўлган қатор омиллар (янги қонунларнинг қабул қилиниши, ташқи муҳит ва бошқ.) инновацияни юзага келтиради[3].

Ҳозирги замон иқтисодий фани “инновация” тушунчасини илмий-техник жараённи янги маҳсулотлар, хизматлар ва технологияларга татбиқ этилиши сифатида талқин қилади.

Бизга маълумки, “Инновация” сўзи аслида инглизча **innovation** сўзидан олинган бўлиб, уни ўзбек тилида янгилик деб таржима қилиш мумкин.

Х. Нойбауэрнинг фикрига кўра, барча янгиликларни инновация сифатида эътироф этиш мумкин, аммо улар қуйидаги хусусиятларга эга бўлиши лозим:

- қабул қилинган қарорларнинг амалдаги ижроси билан боғлиқлиги;
- фойдаланувчи учун аниқ иқтисодий ёки ижтимоий самара бериши;
- уни бошқа жойда бундан олдин қўлланилганлигидан қатъи назар, корхонада биринчи марта ишлатилиши;
- ижодий ёндашувнинг мавжудлиги;
- рисклар билан боғлиқлиги[4].

Демак, инновация тушунчасининг пайдо бўлиши ишлаб чиқариш соҳасида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларининг фаолияти билан боғлиқ бўлиб, ишлаб чиқариш жараёнига янги маҳсулотлар, хизматлар ва технологияларни жорий этишни кўзда тутади.

Инновациянинг ишлаб чиқариш соҳасида фаолият юритаётган субъектларнинг рақобатбардошлигини белгиловчи асосий омилга айланиши унинг иқтисодийётнинг бошқа субъектлари фаолиятига, шу жумладан, тижорат банклари фаолиятига кириб боришига сабаб бўлди.

Иқтисодий адабиётда банкларнинг инновацион фаолияти хусусида зиддиятли фикр-мулоҳазалар, қарашлар мавжуд.

АҚШнинг Массачусетс технология университетининг профессори Э. Гиппелнинг фикрига кўра, инвестицион банкларда фан докторлари илмий тадқиқотлар билан шуғулланишмайди, балки янги молиявий инструментларни ишлаб чиқади. Бу эса, кўпчилик банкирлар томонидан инновация деб ҳисобланади.

К. Замышляевнинг банк инновацияси хусусидаги фикри Э. Гиппелникдан кескин фарқ қилади. Унинг фикрига кўра, банк инновацияси деганда, банкнинг янги ишланмалар ёрдамида ресурс салоҳиятини яратиш, шакллантириш ва жойлаштириш жараёнида кўшимча даромад олиш ва рақобатда устунликка эришишга қаратилган фаолиятининг натижаси тушунилади ва ушбу фаолият банк мижозларини кўшимча фойда олишига имкон яратади[5].

Кўриниб турибдики, К. Замышляева инновацион жарёнларни нафақат тижорат банкларининг актив операцияларига, балки уларнинг пассив операцияларига ҳам хос эканлигини таъкидламоқда.

В. Боровкова ва С. Мурашовларнинг фикрига кўра, банк инновацияси деганда янги банк маҳсулоти ёки операцияси шаклида амалга оширилган инновацион фаолиятнинг сўнгги натижасидир[6].

Ушбу муаллифларнинг банк инновациясини инновацион фаолиятнинг натижаси сифатида эътироф этиши тўғри. Бироқ банк инновациясини фақат молиявий инновациясининг бир қисми сифатида талқин этиш, фикримизча, мунозаралидир. Фикримизча, П. Семикованинг банк инновацияси тўғрисидаги хулосаси унинг моҳиятини тўлароқ ифода этади. Унинг фикрига кўра, банк инновацияси – бу янги банк маҳсулоти ёки операцияси шаклида амалга оширилган сўнгги натижа бўлиб, у инновацияларни яратиш, ўзлаштириш ва тарқатиш билан боғлиқдир[7].

Кўриниб турибдики, П. Семикова банк инновацияларини молия бозорлари доирасида чеклаб қўймаган.

В. Викулов банк инновациясини бозорда мавжуд бўлганига қараганда жозибдорроқ истеъмол хусусиятига эга бўлган янги банк маҳсулотини ёки бўлғуси харидорнинг эҳтиёжини қондириш имконини берадиган сифат жиҳатдан янги маҳсулотни яратиш ёки нисбатан такомиллашган технологиялардан фойдаланиш сифатида талқин этади.

В. Викулов ушбу таърифидан келиб чиққан ҳолда, қуйидаги банк маҳсулотларини банк инновацияси сифатида эътироф этишни таклиф этади:

- банк томонидан мижозларнинг эҳтиёжларини қондириш мақсадида ишлаб чиқилган ва бозорда ўхшаши бўлмаган ҳар қандай маҳсулот;
- банкнинг хизматлари таркибида мавжуд бўлган ва бозорлардан бирида фойдаланиладиган, аммо бошқасига чиқарилган ҳар қандай маҳсулот;
- банк томонидан бозорни таҳлил қилиш ва тижорат асосида сотилишини баҳолаш натижасида жорий этилган ва бозорда ўхшаши бўлган ҳар қандай маҳсулот[8].

Фикримизча, В. Викуловнинг банк инновациясига берган таърифи олдинги муаллифларникига нисбатан мукамалдир. Унинг мукамаллиги шундаки, биринчидан, мавжуд банк маҳсулотининг сифатини ошириш ҳам банк инновацияси сифатида эътироф этилган; иккинчидан, нисбатан такомиллашган технологиялардан фойдаланиш таърифда ўз ифодасини топган.

Аммо В.Викулов бозорда ўхшаши бўлган маҳсулотни банк фаолиятига жорий этишни ҳам инновация сифатида эътироф этган. Фикримизча, ушбу хулоса мунозаралидир. Агар бозорда ўхшаши бўлган маҳсулот банк фаолиятига сифати оширилиб жорий этилса, уни банк инновацияси сифатида талқин этиш мумкин.

А. Полищукнинг фикрига кўра, банк инновацияси янги банк маҳсулотлари ва хизматларининг йиғиндисидир[9]. Бунда у банк маҳсулотлари ва хизматлари бир хил тушунчалар эмаслигини таъкидлайди. А. Полищукнинг фикрича, янги банк хизмати – банкнинг мижозга ёрдам бериш ёки фойда олишига кўмаклашиш бўйича фаолияти бўлиб, банкка кўшимча комиссия даромад келишини таъминлайди. Янги банк маҳсулоти эса, бозор эҳтиёжларини маркетинг тадқиқотлари асосида ўрганиш натижасида яратилган банк хизматининг ноанъанавий шаклидир.

Аммо кўпчилик иқтисодчи олимлар банк маҳсулоти ва банк хизматини бир хил тушунчалар сифатида талқин қилишади. Масалан, В. Маркова ва С. Гурьяновларнинг фикрига кўра, банк маҳсулоти ва хизмати тушунчалари ўртасида ҳеч қандай фарқ мавжуд эмас[10].

Иқтисодий адабиётда тижорат банклари фаолиятидаги молиявий инновациялар хусусида ҳам иқтисодчи олимлар томонидан хилма-хил фикрлар билдирилган.

АҚШлик таниқли иқтисодчи олим Ж. Синкининг фикрига кўра, бошқа банкларга молиявий хизмат кўрсатадиган банклар ва кредит рискинни баҳолашнинг янги усуллари сўнгги молиявий инновациялар ҳисобланади[11].

Фикримизча, Ж. Синкининг кредит рискинни баҳолашнинг янги усулларини банклар фаолиятидаги молиявий инновациялар сифатида эътироф этиш хусусидаги фикри ўринлидир. Бунинг сабаби шундаки, нафақат ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида, балки тараққий этган мамлакатлар банк амалиётида кредит рискинни муаммоси чуқурлашганлиги сабабли Базель қўмитаси кредит рискинни баҳолашнинг янги усулларини таклиф қилишга мажбур бўлди.

2004 йилда Базель қўмитаси кредит рискинни баҳолаш бўйича учта янги усулни таклиф этди:

- стандартлашган усул;
- ички рейтингларга асосланган базавий усул (IRB-Internal rating-based approach);
- ички рейтингларга асосланган такомиллашган усул.

Тижорат банкларида *IRB* ёндашуви асосида дефолт бўлиш эҳтимолини баҳолаш учун қуйидаги моделдан фойдаланилади:

$$PD_i = \frac{\Delta ICR_{Ti}}{ICR_{Def} - ICR_{t_1}} \times 100\%,$$

Бу ерда:

$PD_i - i$ - мижознинг дефолт бўлиш эҳтимоли;

$\Delta ICR_{Ti} - i$ - мижознинг кредит шартномаси даврида кредит рейтингининг ўзгариши;

ICR_{Def} – максимал дефолт рейтинги.

Ушбу моделни тузиш учун икки босқичдан ўтиш талаб этилади. Биринчи босқич – мижознинг кредит рейтингини ўзгариш тезлигини ҳисоблаш.

$$V_{\Delta CR_{Ti}} = \frac{ICR_{t_2i} - ICR_{t_1i}}{(t_{2i} - t_{1i})},$$

Бу ерда:

$ICR_{t_2i} - i$ - мижознинг t_2 вақтдаги кредит рейтинги;

$ICR_{t_1i} - i$ - мижознинг t_1 вақтдаги кредит рейтинги;

$t_1 - i$ - мижознинг ҳисобот саналари ($t_2 > t_1$).

Кўрсатилган ҳисобот саналари сифатида қуйидагиларни ишлатиш мумкин:

t_1 – ҳисобот йилининг боши ёки кредитни бериш санаси (кредитланаётган мижозлар учун), агар кредит жорий йилда берилган бўлса;

t_2 – дефолт эҳтимолини баҳолашдан олдинги сўнгги ҳисобот санаси.

Иккинчи босқич – ΔICR_{Ti} – кредит рейтингини ўзгариши i -мижознинг кредит шартномаси даврида кредит рейтингининг ўзгариши.

Базель – II кредит рискинни баҳолашда қўлланиладиган коэффициентлар қуйидагиларни ҳисобга олади:

- мамлакатнинг суверен кредит рейтинги;
- банкнинг рейтинги;

- кредит олган мижознинг рейтинг;
- банк операциясининг тури.

Кредит рискинни баҳолаш бўйича Базель кўмитаси томонидан таклиф этилган усулларни тижорат банклари фаолиятига татбиқ этиш молиявий инновация ҳисобланади.

Л. Кохнинг фикрига кўра, молиявий инновациялар инновацион молиявий маҳсулотларни ва инновацион молиявий жараёнларни ўз ичига олади. Бунда инновацион молиявий жараёнларнинг еттига тури ажратиб кўрсатилган:

- технологияларни такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган инновациялар;
- электрон трейдинг;
- электрон пуллар;
- молиялаштиришнинг инновацион усуллари;
- активларни секьюритизация қилиш;
- неттинг;
- пулларни яратиш[12].

Фикримизча, Л. Кохнинг электрон пулларни молиявий инновация сифатида талқин қилиши мунозаралидир. Чунки, электрон пуллар пул тизимининг эволюцияси натижасида юзага келган техник айирбошлаш воситасидир. Улар пулнинг тўлов воситаси ва муомала воситаси функцияларини бажаради ва уларнинг муомаласи ўзига хос хусусият касб этмайди.

Банк инновацияси хусусида билдирилган илмий-назарий қарашларни қиёсий ва танқидий таҳлил қилиш натижаларига асосланган ҳолда, банк инновацияси хусусидаги қуйидаги муаллифлик таърифини шакллантирдик: “Банк инновацияси, бу – банк томонидан янги банк маҳсулотларини яратиш, мавжуд маҳсулотларнинг сифатини ошириш, янги технологиялардан фойдаланиш ва банклар фаолиятидаги рискларни баҳолашнинг янги усулларини жорий этиш йўли билан, мижозларнинг молиявий хизматларга бўлган эҳтиёжларини қондириш ва олинаётган банк фойдаси миқдорини оширишга қаратилган фаолият натижасидир”.

Ўзбекистонда тижорат банкларининг инновацион хизматлар бозори ҳам ўзига хос бўлган ҳолатда ривожланиб бормоқда. Бугунги кунда ахборот технологияларнинг ривожланиб бораётганлиги ва банк хизматларига бўлган талабнинг ошиб бориши ҳамда банклараро рақобатнинг кучайиши ўз навбатида, янгидан-янги банк хизматларини кенг миқёсда жорий этиш ва янги банк маҳсулотлари яратишни заруратга айлантормоқда.

Демак, ҳозирда банкларда инновация хизматларини жорий этиш ва такомиллаштириш нафақат аҳолининг янги банк хизмат турларига бўлган талабини қондириш ва банкнинг максимал фойда олиши, балки миллий ва халқаро миқёсда банклараро рақобатда синиб кетмаслик ҳамда замонавий банк тизимда муносиб фаолият юритиши учун ўта муҳимдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Шумпетер Й. Основы предпринимательства. /Пер. с нем. – М.: Дело, 1974. – С. 132.
2. Инновационный менеджмент. Учебник. /Под ред. С.Д. Ильенковой. – М.: ЮНИТИ, 2001. – С. 114.
3. Найт Ф. Риск, неопределенность и прибыль. – М.: Дело, 2003. – С. 158.
4. Нойбауэр Х. Инновационная деятельность на малых и средних предприятиях. //Проблемы теории и практики управления. – Москва, 2002. - №3. – С. 63.
5. Замышляева К.В. Влияние технологических инноваций на развитие банковской сферы России. //Финансы и кредит. – М., 2007. - №2. – С.27-28.
6. Боровкова В.А., Мурашов С.В. Основы теории финансов и кредитов. – СПб.: Питер, 2004. - 224 с.
7. Семикова П.В. Инновационная деятельность банков. – М.: КНОРУС, 2008. – С.43.
8. Викулов В.С. Инновационная деятельность кредитных организаций. //Менеджмент в России и зарубежом. – М., 2001. - №1. - С. 80-81.
9. Банковское дело. Учебник. /Под ред. О.И. Лаврушина. – М.: Кнорус, 2011. - С. 480.
10. Маркова В.Д. Маркетинг услуг. – М.: Финансы и статистика, 1996. - С.90.; Гурьянов С.А. Маркетинг банковских услуг. Электронный ресурс. Books.artbevza.com
11. Синки Дж. Управление финансами коммерческого банка. /Пер. с англ. – М.: Дело, 1996. – С.552.
12. Кох Л.В. Принципы и механизмы повышения эффективности банковской деятельности на основе использования инноваций. – СПб.: ГПУ, 2010. – С. 132.